3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва Хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

## 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

## 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирозномa/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

## 7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун биттa нусхадан берилади).

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

**Оператор:**
"ЎзМобайл" филиали "Узбектелеком" АК
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 3 уй
СТИР: 203366731МФО: 00401
Х/р: 20210000104074838026
"Алоқабанк" АТБ
e-mail: corporate@uzmobile.uz

Подпись
Фахрутдинов С.С.
М.П

**Абонент:**
"ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШКАРМАСИ"
Манзил: Узбекистан, Хорезмская обл., Хазараспский район, Хорезмская обл. Хазараспский р-н, Питнак ш. Банковские реквизиты: 100010860332207042402170001
МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ,РКЦ
ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ ИНН:201122919
ИНН: 200208984
Тел.:
К.С.Бабажанов
e-mail:

Юристконсульт С. Кушназаров

06.01.2022 йилдаги №39708-сон Шартномага илова

**Абонент маълумотлари:**

| | |
|---|---|
| Ташкилот номи: | "ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШКАРМАСИ" |
| Манзил: | , Узбекистан, Хорезмская обл., Хазараспский район, Хорезмская обл. Хазараспский р-н, Питнак ш. |
| Х/Р: | 100010860033220704240217000l |
| Банк: | 00014 Г.ТАШКЕНТ,РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ ИНН:201122919 |
| СТИР: | 200208984 |
| ИФУТ: | 22100 |
| Маъсул шахс: | |
| Телефон: | 3054906 |

1. **Ажратилган курилмалар ва абонент рақамлари:**

| № | Абонент рақами | СИМ карта рақами | Тариф режаси | Қўшимча хизматлар рўйхати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 956204810 | RUIM Card: 8999895003500295065 | Prevoshodniy | |
| 2 | 956204804 | RUIM Card: 8999895003500295016 | Prevoshodniy | |
| 3 | 956204802 | RUIM Card: 0000000000000005537 | Korporativ 500 | |
| 4 | 956065348 | RUIM Card: 0000000000000005533 | Korporativ 500 | |
| 5 | 956063548 | RUIM Card: 8999895003500295024 | Korporativ 500 | |
| 6 | 956026853 | RUIM Card: 8999895003500092769 | Korporativ 500 | |
| 7 | 956025648 | RUIM Card: 0000000000000005535 | Prevoshodniy | |
| 8 | 956020048 | RUIM Card: 0000000000000005530 | Korporativ 500 | |
| 9 | 956025348 | RUIM Card: 0000000000000005532 | Korporativ 500 | |
| 10 | 956023748 | RUIM Card: 8999895003500295057 | Prevoshodniy | |
| 11 | 956204805 | RUIM Card: 0000000000000005540 | Korporativ 200 | Заморозка |

**Оператор:**

"Ўзбектелеком" АК
"УзМобайл" филиали

Имзо: С.С. Фозутдинов

**Абонент:**

"ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШКАРМАСИ"

Имзо: К.С. Бабажанов

М.Ў.